**Достонлар гултожи «Алпомиш» халқимиз яратган эпик намуналарнинг биринчисидир. «Алпомиш»нинг илдизи жуда қадим даврларга бориб тақалади. Чунки, достонда араб истилосидан аввалги урф-одатлар, фикрлар ва муносабатлар акс эттирилган.**

**«Алпомиш» достони ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш учун жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори Тўра Мирзаев билан учрашди. Таниқли фольклоршунос олим шундай ҳикоя қилади:**

— «Алпомиш» достони халқимиз орасида жуда кенг тарқалган ва бахшилар томонидан севиб куйланган.

Достоннинг энг мукаммал варианти Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йилда Маҳмуд Зарипов томонидан ёзиб олинган нусхаси ҳисобланади. Унинг биринчи қисми қисқартирилган ҳолда 1939 йилда Ходи Зарифнинг «Ўзбекфольклор» хрестоматиясида нашр этилди. Худди шу пайтдан бошлаб Фозил Йўлдош ўғли вариантидан парчалар мактаб хрестоматияси, ўқув қўлланмалари, турли тўпламларда мунтазам равишда нашр этилиб келинмоқда. Шунингдек, ўша йили қисқартирилган ҳолдаги Ҳамид Олимжон нашри ҳам юзага келди. Шоир Ҳамид Олимжон достонни нашрга тайёрлашда уни қарийб ярмига қисқартирган. Аммо бу қисқартириш шу даражада билим ва санъаткорлик билан амалга оширилганки, бу ҳолат достоннинг яхлитлигига путур етказмаган. Шоир достон матнига бирон-бир сўз қўшмаган, достон тилини таҳрир қилмаган, балки ундаги мавжуд имкониятлардан усталик билан фойдаланган, яъни узундан-узоқ монолог ва диалоглардан иборат шеърий матндаги бадиий заиф мисраларни қисқартириш билан достон сюжети воқеаларини тўла сақлаган.

«Алпомиш» достони бадиий юксак ясар ҳолига келгунича Фатхулла Абдуллаев Янгиқўрғон тумани, Ғовозон қишлоғида яшовчи Ҳайдар Бойча ўғлидан, 1955 йилда Зубайда Ҳусаинова Китоб тумани, Қайнарбулоқ қишлоғида яшовчи Абдулла шоирдан, Зубайда Ҳусаинова билан Музайяна Алавия шу туманнинг Шотири қишлоғида яшовчи Ҳамро Эргаш ўғлидан, Мансур Афзалов Шаҳрисабзда турувчи Зоҳир Кўчқор ўғлидан, 1956 йилда Охунжон Собиров Деҳқонобод тумани, Қорашина қишлоғида турувчи Умир шоирдан, Мансур Афзалов Жарқўрғон тумани, Жалойир қишлоғида яшовчи Мамарайим бахшидан, 1960 йилда Малик Муродов Ғиждувон тумани, Заҳкаш қишлоғида яшовчи Амин Малик ўғлидан, шу йили

*«Алпомиш» эпосининг тўйи олдидан*

## БУЮК ДАРЁ ЭРУР БУ ДОСТОН

Тўра Мирзаев Тожикистоннинг Данғара тумани, Қўшқия қишлоғида яшовчи Аҳмаджон Соибназар ўғлидан ўз вариантини ёзиб топширди. Шунингдек истеъдодли достончи, деҳқонободлик Қодир Раҳимовдан фольклоршунослар Абдумўмин Қаҳҳоров ва Абдуолим Эргашев достоннинг иккинчи қисмини «Бева Барчин» номи билан ёзиб олдилар.

Шу кунларда достонни кейинги авлод бахшилари ҳам куйлаб келмоқдаларки, бу нарса унинг жонли оғзаки ижро шароитларида изчил яшаб келаётганлигидан далолат беради.

Халқ ўз қўшиқ ва достонларини кўз қорачиғидек асраб келмоқда. Порлоқ бадиий образлар билан ифодаланган халқ фантазияси, халқ донишмандлиги бу бой хазинани кундан кунга бойитади. Қаҳрамонлар тўғрисидаги халқ достонлари бу хазинанинг тамалини ташкил қилади.

Халқ достонлари қадимиятнинг буюк бир эҳсони, ўзлари яратилган даврнинг умумий дунёқараши, айни пайтда жонли анъанавий ижод ва ижро шароитларида изчил яшаб келаётганлигидан далолат беради. Зеро, улар халқ миллий тарихининг, афсоналар қобиғига ўралган қаҳрамонлик воқеаларнинг ўзига хос бадиий ифодасидир.

Бундай достонларнинг қадимий илдизлари саклар, массагетлар, суғдийлар, хоразмийларга мансуб уруғ ва қабилаларнинг афсона ва ривоятларига бориб тақалса-да, уларнинг каттагина қисми ўзбекларнинг ягона халқ сифатида шаклланишида асос бўлган уруғ ва қабилаларига патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва илк феодал тузумнинг юзага кела бошлаш даврларида яратилган. Чунки улар халқимизнинг ўзлигини англашининг буюк обидалари, унинг ягона халқ сифатида шаклланиш ва бирлашиш сари ташлаган улкан қадамининг тенгсиз намунаси сифатида дунёга келган. «Алпомиш» ва шу каби эпик асарлар ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга. Бундай қаҳрамонлик достонларини дилдан ёниб куйлаган бахшилар ҳозиржавоб шоиргина бўлиб қолмай, етук созанда ҳамдирлар. Улар дўмбирани неча оҳангларда сайратиб, сўзлата оладилар. Куй бахшини ҳам, унинг сўзини ҳам бошқаради, қалбига илҳом бахш этади, овозига овоз, парвозига парвоз қўшади.

*Сени чертсам, кўнглим гулдай яйрайди.*
*Булбулдайин сайраб чиққин, дўмбирам.*
*Қўша торинг қўшилганда сайрайди.*
*Кўксинг очиб яйраб чиққин, дўмбирам...*

*Муҳайё МИРСАИДОВА ёзиб олди.*

*Театр*

## БОЛАЖОНЛАРГА ТУҲФА

**Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри жамоаси ўзининг 70-мавсумини очди.**

**Одатда ҳар йили куз фаслида театр мавсуми бошланиб, ижодий таътилдан сўнг ҳар бир жамоа янги-янги саҳна асарларини театр ихлосмандлари эътиборига ҳавола этишади. Мазкур болалар театрининг «Оқ кема», «Қовоқвой ва Чаноқвой», «Қор маликаси», «Минг бир кеча» спектакллари барчамизга яхши таниш.**

Мавсум очилишида болажонлар эътиборига машҳур француз адиби Мольер асари асосида Шароф Бошбековнинг эркин таржимаси билан «Учар табиб» спектакли намойиш этилди.

Қувноқ кулгу, болаларга хос беғуборлик, самимийлик билан йўғрилган мазкур асар нафақат болажонларда, балки катталарда ҳам ўзига хос таассурот уйғотади. Саҳна декорациялари, турли безаклар, актёрларнинг хатти-ҳаракати, ажабтовур кийимлари асардаги воқеаларнинг томошабинларга тушунарли бўлишида муҳим ўрин тутади.

*Маъмура РЎЗИЕВА.*




*Мурувват*

## ЭЪЗОЗДА — КЕКСАЛАР

**Сергели туманидаги Ҳамшира парвариши бўлими ҳовлисида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Акмал Икромов ҳамда Сергели туманлари ХДП ташаббуси билан Халқаро қариялар кунига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.**

Касалхона ҳовлисида ёзилган тўкин дастурхонга шу ерда дам олиб даволанаётган ёлғиз, касалманд қариялар келиб ўтиришди. Уларга 452-болалар боғчасининг тарбиячи ва тарбияланувчиларидан тузилган «Шодиёна» ҳаваскорлик дастаси, республика «Нуроний» жамғармасининг Акмал Икромов тумани бўлими қошидаги «Нуроний» хор жамоаси ўз санъатлари билан хизмат кўрсатишди.

— Халқимизда кексаларни ҳурматлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш каби эзгу удум бор, — дейди хайрия тадбири иштирокчиси Васила Азаматова. — Ушбу удум давом этаётгани элимизнинг минг асрлик қадриятлари завол билмаслигини англатади.

Эзгу амаллар канда қилинмаган жамиятнинг келажаги порлоқ бўлади.

Қўшма тадбир сўнгида жамғарманинг иккала туман бўлимлари ҳисобидан қарияларга совғалар берилди.

*Мурод РАҲИМОВ.*



*Ибратнома*

## ТЎРТ НАРСА ҲАҚИДА

**ТЎРТ НАРСАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЛОЗИМ:**
- доно дўст топиш;
- биродарларга яхшилик қилиш;
- ободонликка интилиш;
- халққа ёрдам бериш.

**ТЎРТ НАРСАДАН ЭҲТИЁТ БЎЛСАНГ ПУШАЙМОН ЕМАЙСАН:**
- ақлсиз одам билан ишлашдан;
- пасткашларга яхшилик ва яхшиларга ёмонлик қилишдан;
- ахмоққа тескари бўлган ҳар қандай ишларга мойилликдан;
- кишиларга ҳасад қилишдан.

**ТЎРТ НАРСА ҲАММАГА МАЪҚУЛ:**
- адолат ва тўғрилик;
- сабр ва осойиш;
- шарм ва ҳаё.

**ТЎРТ НАРСАДАН ХАЛҚ НАФРАТЛАНАДИ:**
- душманлик ва адоватдан;
- ҳасад ва ғурурдан;
- қаҳру ғазабдан;
- ишёқмас дангасаликдан.

**МАНА БУ ТЎРТ НАРСА КИШИНИ ХУШБАХТ ҚИЛАДИ:**
- поклик;
- пок қўллик;
- пок диллик;
- поқ ниятлилик.

**ТЎРТ НАРСА БАХТСИЗЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ:**
- ишёқмаслик;
- жоҳиллик;
- нокаслик;
- ёлғизлик.

**ТЎРТ НАРСА ҲАММА УЧУН КЕРАК:**
- итоат;
- насиҳат-шафқат;
- омонатга ҳиёнат қилмаслик;
- мурувват.

**ТЎРТ НАРСА КИШИНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИНИ ОШИРАДИ:**
- олимлар билан суҳбат;
- дўстлар маслаҳати, насиҳати;
- тафаккур қилиш;
- тўғри йўл билан борувчиларга эргашиш.

**ТЎРТ НАРСА АБЛАҲЛИК НИШОНАСИ:**
- манманлик;
- кишиларнинг айбини қидириш;
- баҳиллик;
- пасткашлардан бирор нарса умид қилиш.

**ТЎРТ НАРСА БАХТ-САОДАТДАН ДАРАК БЕРАДИ:**
- тўғри сўзлик;
- ваъдага вафо қилиш;
- адаб-тавозеъ;
- ғайрат-шижоат.

**ТЎРТ НАРСА КИШИГА ФАЛОКАТ КЕЛТИРАДИ:**
- жоҳиллар насиҳатига кириш;
- ёмонларга яхшилик қилиш;
- ёмонлар сўзига амал қилиш;
- фойдасиз сўзлар сўзлаш.

**ТЎРТ НАРСА ТЎРТ НАРСА БИЛАН НАТИЖАЛАНАДИ:**
- ғазабланиш — пушаймон билан;
- ўжарлик — расволик билан;
- ёмон сўз — душман орттириш билан;
- ялқовлик — хорлик-зорлик билан.

**ТЎРТ НАРСА КИШИНИ ТАНГЛИКДА ҚОЛДИРАДИ:**
- кўп душман орттириш;
- кўп қарздор бўлиш;
- аёлмандлик;
- бўлмағур хаёлларга чўмиш.

**ТЎРТ НАРСА ТЎРТ НАРСАНИ КЕЛТИРАДИ:**
- хомушлик — роҳатни;
- эзмалик-зерикишни;
- саҳийлик-улуғликни;
- шукур-фароғатни.

**БУ ТЎРТ НАРСА ТЎРТ НАРСАНИ ЙЎҚОТАДИ:**
- шаҳват-қувватни;
- ялқовлик — давлатни;
- тақдир қилмаслик — неъматни;
- такаббурлик — мурувватни.

**ТЎРТ НАРСАНИ ҚАЙТАРИШ МУМКИН ЭМАС**
- оғиздан чиққан сўзни;
- отилган ўқни;
- ўтган кунни;
- ёшликни.

*Тўпловчи Ҳилолиддин ШАҲОБИДДИНОВ, кекса муаллим.*

*Ниҳол*

### ШИРИН БЎЛАДИ

*Акасига қизиқиб,*
*гаримдори еди у.*
*Бирдан қолди «уҳ-уҳ»лаб,*
*Шошиб деди: «сув, сув, сув...»*

*Қандай ейсизлар ака,*
*«Уҳ» оғзим ачиб кетди.*
*Бўлди, қилмай калака*
*Узатворинг конфетни...*

*Нима қиласан уни? —*
*деб акаси кулади.*
*— Ҳозироқ есам буни*
*Ичим ширин бўлади.*

### УЙ ИЧИ ҚОРОНҒИ-КУ!

*Кун найзага келган пайт,*
*Уйда бўлмас ўтириб.*
*Деразанинг пардасин,*
*Ойим қўйди тушириб.*

*Салқин тортди дим хона,.*
*Олди ним қоронғу тус.*
*Бир маҳал кирсам, ухлаб —*
*Ётарди укам Қуддус.*

*— Қоқ пешинда бу нима? —*
*дедим унга бақириб.*
*Йиғи аралаш деди,*
*Ойимларни чақириб:*
*— Нега акам ухлатмас,*
*Ҳали кундуз, — дейди у. —*
*Кечқурун бўлмай нима,*
*Уй ичи қоронғи-ку.*

### ИККИ ҚЎЗИЧОҚ

*Маърайвергач қўзичоқ,*
*Қулоқ келди қоматга.*
*Безор бўлганда Узоқ*
*деди дўсти Саматга:*
*— Бунча ҳам жағи очиқ,*
*Миқ этмайди бизники.*
*Кулимсираб дер дўсти:*
*— Соқовдир-да сизники.*

### БАҲОНА

*— Вой-бў, юзинг мунча кир,*
*Лой-пой суртдингми Мўтти?*
*У ҳиқиллаб шундай дер:*
*— Акам мени йиғлатти.*

*Ҳабиб РАҲМАТ.*



*Дугоналар суҳбати табассум билан кечади. Равиль Альбеков олган сурат.*

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«А. Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» очиқ акциядорлик жамияти 1998 йил 6 октябрь куни соат 15.00 да ҳиссадорларнинг навбатдан ташқари УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ўтказилишини эълон қилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Кузатув кенгаши таркибига йирик акциядорлар вакилларини аъзо қилиб киритиш масаласи.**

**2. Жамиятнинг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларига мувофиқлаштирилган ҳолда тасдиқлаш масаласи.**

**Жамият кузатув кенгаши.**

Тошкент оқшоми

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.**

**«ЎЗБЕКЭНЕРГОТАЪМИР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ юқори вольтдаги ва паст вольтдаги электр двигателларнинг ҳар хил қувватдагиларини таъмирлайди.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 8-уй.**
**Телефон: (3712) 35-44-62.**

**ШОШИЛИНГ!**
**ФАҚАТ БИР КУН**
**4 октябрь куни**

Бобур боғида «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Мевасабзавот» вилоят бирлашмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги биргаликда Сизларни **«ЎЗБЕКИСТОН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ»** номли кузги сотув-кўргазмасига таклиф этади.

Бу кўргазмадан Сиз консерва, шароб маҳсулотларини, шунингдек Ўзбекистонда етиштирилган ҳўл мева ва сабзавотларни харид қилишингиз мумкин.

Иш тартиби: соат 10 дан соат 16 гача.

**Манзил: Яккасарой тумани, Бобур боғи.**
**Телефонлар: 144-15-90, 144-08-01.**

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги ишларнинг бажарилиши муносабати билан **1998 йилнинг 30 сентябридан 12 октябригача** Ракатбоши, В. Воҳидов, Ю. Ражабий, Исломбеков, А. Асқаров, Юсуф Хос Ҳожиб, М. Ёқубова, Шедовая кўчаларида, Хўжанд кўчасидаги 2, 3, 8, 9-уйларда, Артиллерийская кўчасида, Д. Кунаев кўчасидаги 2-уйда яшовчи 152/56-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

* * *

45-АТС абонентларининг бир қисмини янги 173-электрон етти рақамига ўтказиш бўйича ишлар бажарилиши муносабати билан **1998 йилнинг 4 октябригача** Муқимий кўчасидаги 2, 11-уйларда яшовчи абонентларда, **1998 йилнинг 5 октябридан 11 октябригача** Халқлар дўстлиги кўчасидаги 1, 2, 3, 4, 5-уйларда, Хева кўчаси 1, 2, 3, 4, 5, 6-тор кўчаларидаги уйларда яшовчи абонентларда **1998 йилнинг 12 октябридан 18 октябригача** «И» мавзесида истиқомат қилувчи абонентларда алоқа бўлмайди.

173-АТСдаги янги рақамлар хусусида абонентлар уланиш бўйича ишлар жараёни пайтида хабардор қилинадилар.

* * *

Кабель иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари бажарилиши муносабати билан **1998 йилнинг 5 октябридан 16 октябригача** Фарҳод кўчасидаги 5, 6, 7, 8, 12, 14, 16, 18, 18-а, 20, 51-уйларда, 2-Яккасарой тор кўчасидаги 31, 33-уйларда, академик С. Мираҳмедов кўчаси, 4-боши берк кўчадаги 1, 3, 5, 145, 147, 264, 262-уйларда, Б. Хилолий 3-тор кўчасида истиқомат қилувчи 50-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» акциядорлик жамияти.**

**«Малика» очиқ турдаги акциядорлик жамияти акциядорлари ДИҚҚАТИГА!**

**«Малика» ОАЖининг навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилиши 1998 йил 23 октябрь куни соат 15.00 да «Малика» ОАЖнинг биносида ўтказилади.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, гвардиячи полковник Хўжаев кўчаси, 2-уй.**
**Мўлжал: Ишчилар шаҳарчаси.**
**Маълумот учун телефонлар: 34-49-89, 34-49-59.**

• Халқобод қўрғонида 12 сотихли катта уй **СОТИЛАДИ.**
Тел: 96-34-87.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти соғлом турмуш тарзи курсининг катта ўқитувчиси А. А. Тоҳирийга рафиқаси **Малоҳатхон ая АБДУРАҲМОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

